# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 19 август, № 175 (7955) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИЛАН МИНТАҚАДАГИ ВАЗИЯТ РИВОЖИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

**18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбатда етакчилар икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни кўриб чиқдилар ҳамда Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан минтақадаги жорий вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Ушбу мамлакатда кескинлик ва зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, шунингдек, афғон можаросини сиёсий йўл билан тартибга солишни халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида икки мамлакатнинг позиция ва ёндашувлари мос экани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни Афғонистондан авиация транспортида Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит йўли билан Германияга эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга оширишда яқиндан мувофиқлашувни ва фаол идоралараро ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг янада ривожланиши бўйича олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

**ЎзА.**

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида матбуотда Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан интервью эълон қилинди.***

***“Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳаси остида берилган интервьюда кейинги йилларда юртимизда барча соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самаралари чуқур таҳлил қилинган.***

***Ушбу интервью халқаро экспертлар, турли соҳа ва кенг жамоатчилик вакиллари, шу жумладан, парламент аъзолари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.***

## УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ТАҲЛИЛИ

*Юртбошимиз интервьюда ёшлар, маданият ва спорт масалаларига ҳам алоҳида тўхталган. Жумладан, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ҳамда ўзига хос тизими яратилгани, “ёшлар дафтари” йўлга қўйилиб, ёрдам ва кўмакка эҳтиёжи бор йигит-қизлар муаммолари жойида аниқланиб, самарали ечилаётгани таъкидланди.*

Дарҳақиқат, бу янги тизим юзлаб ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда қўл келяпти. Бошидан айтадиган бўлсак, “ёшлар дафтари”ни юритиш ҳамда улар билан янгича ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида республика бўйича 9 мингдан зиёд маҳаллалардаги 4 млн. 177 минг нафар ёш билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Натижада 579 минг нафардан зиёд навқирон авлод вакиллари ушбу дафтарга киритилиб, уларнинг эҳтиёжи ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва муаммоларини ҳал этиш бўйича ёшлар дастурлари ишлаб чиқилди.

Шу ўринда мазкур тизимларни электрон юритиш, ёшларга берилаётган имтиёзлар шаффофлигини таъминлаш, жойларда олиб борилаётган ишларни уч босқичда мониторинг қилиш имконини берувчи “yoshlardaftariuz” ягона электрон платформаси ишга туширилганлигини ҳам айтиш зарур.

➡ 2

## ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР

*Давлатимиз раҳбари интервьюсида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар ҳақида сўз юритар экан, “Биз янги шароитда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилмоқдамиз. Бундай ёндашув — бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир”, дея алоҳида таъкидлади.*

*Дарҳақиқат, юртимизда таълим ва илм-фаннинг ривожлантирилиши учинчи Ренессансга мустаҳкам тамал тоши бўлади.*

Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 30 декабрида, яъни Президентлигининг ўн олтинчи кунидаёқ академиклар ва фан намояндалари билан учрашди. Юртбошимиз учрашувда жамият олдида турган долзарб вазифаларни илм-фансиз ечиб бўлмаслигини таъкидлаб, фан ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яратилган илмий-инновацион маҳсулотларни амалиётга кенг жорий этадиган тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик корхоналар ва инновацион марказларни ташкил этиш, “таълим — фан — ишлаб чиқариш” интеграциясини чуқурлаштириш, етакчи хорижий университетлар ва илмий марказлар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, номдор олимларимиз томонидан илмий мактабларни яратиш борасида дастурий фикр ва таклифлар билдирди, мутасаддиларга тегишли топшириқ ҳамда кўрсатмалар берди.

➡ 4

Акс садо



## ЙЎЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ОБОД

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг интервьюсини ўқиб, тўлқинланиб кетдим. Қалбимда қувонч, фахр-ифтихор туйғулари жўш урди.*

Ўтган асрнинг 60-йилларини элас-элас эслайман. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида биринчи марта лой кўчалар тош кўчага, кейинроқ асфальт йўлларга алмашди. Асосан, ариқлардаги, жумладан, Анҳор каналидаги сувни тиндириб, қайнатиб ичиб юрган маҳаллаларга ичимлик суви тармоғи тортилди. Даставвал 400 — 500 метр масофада умумий кранлар ўрнатилди. 5 — 10 йиллардан кейин хонадонларга сув тармоқлари кириб борди.

Шуни яхши эслайманки, 60-йилларда озиқ-овқат, айниқса, нон маҳсулотлари қаҳатчилиги ҳукм сурган бўлса ҳам, кўчаларнинг обод қилиниши ва ичимлик суви тортиб келиниши болаларга ҳам, катталарга ҳам олам-олам қувонч бағишлаганди...

➡ 4

Халқаро конференция

## МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИГИ

*Кеча “Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги: пойдевори, истиқболлари, геостратегик аҳамияти” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ва Марказий Осиё халқаро институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда бошқа қатор давлатларнинг ташқи сиёсий идоралари, парламентлари вакиллари, етакчи олим ва экспертлари қатнашди.

Тадбир давомида 2021 йил июль ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” конференцияси якунлари атрофлича муҳокама ва таҳлил қилинди.

Сўзга чиққанлар мазкур конференцияни юксак баҳолаб, ушбу анжуман савдо, иқтисодиёт, транспорт, коммуникация, маданият ва гуманитар ҳамкорлик бўйича ўзаро манфаатли стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўзига хос майдончага айланганлигини қайд этишди.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОДЕКС БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

*Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида қатор муҳим ташаббуслар илгари сурган, шу жумладан, БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф қилган эди.*

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон раҳбари ўз мурожаатида ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини исботлаганини таъкидлаб, халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга чақирди. Давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш ташаббусини ўртага ташлаб, унда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси маълумотига кўра мамлакатимиз томонидан ишлаб чиқилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида чоп этилди. Ҳужжат БМТнинг олти расмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус, испан тилларига таржима қилинди, БМТга аъзо давлатлар, ташкилотнинг ихтисослаштирилган муассасалари ва агентликларига тарқатилди.

➡ 2

Миллий комиссия йиғилиши

## ОДАМ САВДОСИ, БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

**Мамлакатимизда буларга қарши курашишнинг самарали тизими йўлга қўйилган.**

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда миллий комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, миллий комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борган мажлисда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида 2021 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар ҳамда ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда соҳанинг миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, 2 та қонун, Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниб, амалиётга татбиқ қилинди. Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги конвенцияси (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида Ўзбекистонда илк маротаба одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражада қайта йўналтириш тизими йўлга қўйилди.

Йиғилишда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш, уларни реабилитация қилиш, шунингдек, хориждаги фуқароларимиз манфаатларини ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Одам савдосидан жабрланган, узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган ва депортация қилинган аёлларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилгани ҳам таъкидланди.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда одам савдоси, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа Иттифоқи, АҚШ Давлат департаменти ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни муносиб баҳоламоқда.

➡ 2

## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛМОҚДА

*Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинари ўтказиляпти.*

24 OKTABR 2021-YIL O‘ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси асосида уюштирилган ушбу тадбир очилишида Марказий сайлов комиссияси, Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети раҳбарлари ҳамда профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, жорий йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Бу барча даражадаги сайлов комиссияларининг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича билимини тизимли асосда шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбулардан келиб чиқиб, жорий йил апрель ойида Сайлов комиссиялари аъзолари малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси тасдиқланди.

Мазкур концепцияда сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва сайловда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билими ҳамда амалий кўникмасини оширишга қаратилган семинар-тренингларни уч босқичда ўтказиш назарда тутилган.

➡ 2

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Туризм ва спорт вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш ҳақида”ги ахбороти эшитилди.*



Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги Фармони 15-бандида Олий Мажлис палаталарига рейтинг кўрсаткичлари энг паст бўлган давлат органлари раҳбарларининг фаолиятини ҳар ярим йилликда танқидий муҳокама қилиш назарда тутилган.

Ўтган вақт давомида қўмита томонидан Фармон асосида натижадорликка эришиш масалалари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Туризм ва спорт вазирлиги мазкур Фармон ижроси юзасидан ҳозирги кунга қадар 24 та вазирлик, идора ва ташкилот ҳамда ҳудудий ҳокимликлар томонидан спорт соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг ўтказган.

➡ 2

# УЛУҒВОР ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ТАҲЛИЛИ



◄1 Унда 2021 йил август ҳолатига кўра 18 — 30 ёшдаги жами 6 млн. 283 минг 370 нафар йигит-қиз тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Интервьюда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ҳақида ҳам сўз боради. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшлар билан ишлаш борасида кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Мисол учун мутлақо янги тузилма — Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу тузилмалар ёш кадрларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиришга, уларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини орттиришга, жойларда интилувчан, ташаббускор кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Жорий йил 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган ёшлар ва талабалар форумида ҳам Президент томонидан навқирон авлод билан ишлашни янада такомиллаштириш, бу борада янги тизим яратиш юзасидан ўта муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ўз навбатида, ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, кадрлар захирасини шакллантириш, ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, саломатлигини асраш каби йўналишлардаги ишларни чуқур таҳлил қилиш орқали мутасадди раҳбарлар фаолиятини, шунингдек, ҳудудларни баҳолаш зарурлиги таъкидландики, бу бугунги кунда қанчалик муҳимлигини тушуниш қийин эмас.

Ушбу масала давлатимиз раҳбарининг "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ўз ифодасини топди. Унда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш Сенатга тавсия қилинди. Шу муносабат билан Сенат томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда бажарилиши бўйича рейтинг тизими йўлга қўйилди.

Интервьюда "Беш муҳим ташаббус" дастури ҳамда "Баркамол авлод" болалар мактаблари доирасида ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жорий йилнинг ўзида 36 мингта қўшимча тўгарак ташкил қилиниб, уларга 874 минг нафарга яқин болалар қамраб олинганлигига ҳам урғу берилдики, шунинг ўзиёқ баркамол авлодни тарбиялаш Юртбошимизнинг доимий эътибори марказида бўлиб келаётганини кўрсатади. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даврида таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига қарийб 100 мингта санъат ва спорт инвентарлари ва компьютерлар ҳамда 600 мингга яқин китоблар етказиб берилди.

Карантин даврида аҳоли, хусусан, фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган онлайн спорт мусобақаларига 326 мингдан ортиқ ўғил-қизлар жалб қилинган. Шунингдек, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда "яшил" ҳудудларда спортнинг 42 та тури бўйича спорт тадбирлари ҳамда бадантарбия машғулотлари йўлга қўйилган.

Эътибор ва ғамхўрлик, яратиб берилаётган шарт-шароитга жавобан ёшларимиз халқаро мусобақалар, турнир ва фан олимпиадаларида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида яқинда Токио шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ёшларимиз эришган улкан ютуқларни келтириш мумкин.

Умуман, Юртбошимизнинг интервьюси биз шу пайтгача барча соҳада эришган ютуқлар ва олдимизда турган долзарб вазифалар таҳлили ўлароқ, ўзимизга қаратилган кўзгу бўлдики, бундан кейинги фаолиятимизни ана шу асосда ташкил этсак, ютуқларимизнинг салмоғи янада ошиши, шубҳасиз.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КОДЕКС БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

◄1 БМТ томонидан эълон қилинган кодексда пандемияларга қарши глобал миқёсда жавоб чора-тадбирлари кўриш бўйича халқаро ҳамкорлик бирдамлик, очиқлик, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига асосланишининг муҳимлиги таъкидланган.

Ҳужжатда пандемиялар даврида мамлакатлар олдидаги хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича ихтиёрий мажбуриятлар мустаҳкамланиб, хусусан, қуйидаги асосий чора-тадбирлар санаб ўтилган:

1) умумий қабул қилинган меъёр ва стандартларга мувофиқ, тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш, аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш, уни зарур ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлашга масъул бўлган хизматлар салоҳиятини кучайтириш;

2) қарорлар қабул қилишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, фуқароларда масъулият ҳиссини тарбиялаш ва пандемиялар хавфини англаш орқали аҳолининг хабардорлиги ва санитария-гигиена маданиятини юксалтириш;

3) иш жойида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш, мослашувчан иш вақти ва масофадан ишлаш усулини жорий этиш, иш жойида камситилишларнинг олдини олиш, ходимларга ҳаётни таъминлаш объектларининг самарали ишлаши бўйича минимал шароитларни тақдим этиш;

4) аҳолининг бандлигини иқтисодиётни рағбатлантириш ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, иш ҳақини таъминлаш, ишсизлар ва ишсиз қолганларга, айниқса, аёллар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини жорий этиш орқали қўллаб-қувватлаш;

5) аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ёрдамни кенгайтириш, муҳим товарлар ва бирламчи хизматлар тақдим этиш, хайрия фаолиятини рағбатлантириш, давлат-хусусий шериклик ва кўнгиллилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтириш орқали ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

6) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва товарларни узлуксиз етказиб бериш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги савдо марказлари (бозорлар)нинг карантин қоидаларига риоя этилиши учун минимал шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, зарур товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ашёлар, дори воситалари ва ҳ.к.) нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

7) мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдони ривожлантириш, пандемиялар тарқалишининг салбий таъсирига энг мойил бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни таъминлаш, шунингдек, ички ва трансчегаравий туризмни кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали туризм саноатини рағбатлантириш;

8) масофавий ўқишни ташкил этиш, таълим муассасаларида хавфсиз ўқиш шароитларини яратиш орқали умрбод таълим олиш имкониятини таъминлаш;

9) инсоннинг асосий ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, меҳнат муҳожирлари, кўчирилганлар ва қочқинларнинг ҳуқуқларини улар бўлиб турган мамлакатларда кафолатлаш, шу жумладан, ишсиз қолган меҳнат муҳожирларига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳожирларининг ўз ватанларига қайтиши учун транспорт ва транзит йўлаклари ишлашини таъминлаш;

10) иқтисодий ва гуманитар ёрдам дастурларини амалга ошириш, пандемиялар билан боғлиқ вазият тўғрисида ишончли маълумот алмашиш, пандемиялар даврида давлатлараро ва давлатлар ичидаги низоларни тўхтатиб туриш ёки "музлатиш", вакциналарни ишлаб чиқиш ва таъминлаш, барча мамлакатларни вакциналар ва дори-дармонлар билан тенг шароитда таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни кучайтириш.

Бундан аввалроқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Ўзбекистоннинг пандемияга қарши глобал саъй-ҳаракатларга қўшган ҳиссасини олқишлаган эди. ЖССТ Бош директори Тедрос Гебрейесус Ўзбекистон раҳбариятига йўллаган мурожаатида давлатимиз раҳбарига кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга кўмаклашишдаги узоқни кўра билгани ва етакчилиги учун миннатдорлик билдирди.

Кодекс матни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси расмий ҳужжати сифатида нашр этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг пандемияларга қарши курашиш ва глобал шартномани ишлаб чиқиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларига қўшган муҳим ҳиссаси бўлди.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк.

# ОДАМ САВДОСИ, БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ

◄1 Тадбирда АҚШ Давлат департаменти йиллик ҳисоботидаги тавсияларни амалиётга татбиқ этиш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, бу борада тегишли "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Шунингдек, йиғилишда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги ўз ечимини кутаётган масалаларга урғу қаратилди. Айрим маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар қуйи тузилмалари раҳбарлари томонидан мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари ҳали-ҳамон кузатилаётгани танқид қилинди. Масалан, ҳисобот даврида Давлат меҳнат инспекцияси томонидан жойларда ходимларни ўз функционал вазифасига кирмайдиган ишларга жалб этиш бўйича 41 ҳолат аниқланган. Соҳалар кесимида айтганда, мажбурий меҳнат ҳолатларининг аксарияти халқ таълими, банк-молия, тиббиёт, транспорт ва ободонлаштириш тармоқларида учрамоқда.

Йиғилишда жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, меҳнат муносабатларини тўғри расмийлаштириш, теримчилар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, жойларда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳудудий комиссиялар ҳисоботлари эшитилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Муносабат

# РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНАЁТГАН АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

*Мамлакат раҳбарининг интервьюсида демократик ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий жараённинг бориши, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди, мамлакат тараққиётини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.*



Давлат раҳбарининг демократик ислоҳотлар борасидаги фикрлари тўлиқ ҳаётий тажрибага асосланган. Ислоҳотлар туфайли бугун жамоатчилик назорати кучайди, ижтимоий фаол фуқароларимиз жамиятдаги камчиликлар, адолатсизликларни танқид қилмоқда, расмийлар фаолиятига баҳо бермоқда, ўз қарашларини баён этмоқда. Президент ҳам айнан шу нуқтага эътибор қаратиб, ОАВ ходимлари ва бошқа фуқаролардан ҳаётни борича ёритишни, ҳолатга, вазиятга холисона баҳо беришларини кутмоқда.

Бугун одамлар онгида демократик ислоҳотларга, давлатга, тўғри олиб борилаётган сиёсатга ишонч пайдо бўлди. Энг яхши жамият ўз-ўзини танқид қиладиган жамиятдир. Президент ҳам "демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур"дир дея таъкидлади. Бу сўзларнинг мағзида жамоатчилик фикри бугун давлат бошқарувида эътиборга олинаётгани, тобора давлат ва халқ бирлигига эришиш йўлидаги ҳаракат натижа бераётгани турибди.

Давлат раҳбарининг интервьюсида мустақилликнинг сўнгги йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг амалий мисоллари келтирилган. Оддий инсонлар ҳаётида акс этган энг муҳим, кўриниб турган жиҳатларга эътибор қаратсак. Энг аввало, фуқаролар ўзларини қийнаб турган масалалар бўйича ҳақ-ҳуқуқларини сўраб бемалол мурожаат қила бошлади, сўз эркинлигига эриша бошладик, нақд пул муаммоси бартараф этилди, мажбурий меҳнатга барҳам берилди ва энг катта ислоҳотлардан бири — фуқароларнинг уй-жой муаммолари ҳал қилина бошлади. Бу борада тез фурсатда катта қурилишлар амалга оширилди. Биргина Бағдод тумани мисолида айтадиган бўлсак, бугун бу ерда барпо этилаётган 50 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилаётган Мурувват шаҳарчаси бутун республика учун тажриба майдони бўлиб турибди.

Ўзбекистон 30 йил ичида, албатта, давлат бўлиб шаклланди, дунёга танилди, бироқ бугунги жамият аввалги хато-камчиликлардан қутулишга бел боғлаган, Ватанни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга интилаётган жамиятдир.

Ана шу йўлда бутун халқимизнинг якдиллиги, раҳбарлардан тортиб оддий инсонларгача — барча-барчанинг ватанпарварлиги, фидойилиги, тажрибаси муҳимдир.

Сизу бизнинг олдимизда ўз юртимиз тараққиёти учун бор меҳримиз, бор билимимиз, меҳнатимиз, виждонимиз билан бугунимиз ва келгуси авлодимиз учун муносиб ҳаёт яратиш вазифаси турибди.

Суҳбат асносида галдаги муҳим вазифалар ҳамда йирик режалар ҳақида фикр юритилди. Уларни амалга оширишда давлат раҳбари барча юртдошларимизни бу улуғ сафда бўлишга даъват этди, албатта бу бунёдкор халқимизнинг ҳам юрак амридир.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИГИ

◄1 Иштирокчилар томонидан сўнгги кунларда Афғонистондаги воқеалар кескин тус олаётгани минтақадаги вазиятни чуқур ва ҳар томонлама тушуниб етиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлларини излаш ҳамда барқарор ривожланиш шарт-шароитларини таъминлаш зарурлигини кўрсатиб бергани ҳам айтилди. Уларнинг фикрича, бу ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга кўмаклашадиган лойиҳаларни амалга оширишда минтақа давлатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан Тошкент конференциясида билдирилган таклиф ва ташаббуслар долзарблигини яна бир бор исботлади.

Қатнашчилар томонидан инвестиция, транспорт ва коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар соҳалардаги долзарб муаммоларни тадқиқ этиш мақсадида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг назарий жиҳатларини ўрганиш, илмий тадқиқот йўналишларини аниқлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратди.

Муҳокамаларда иштирокчилар томонидан Тошкент конференциясида илгари сурилган ташаббуслар ижроси бўйича аниқ таклифлар, шунингдек, ҳозирги замондаги муаммолар ва таҳдидларга қарши курашиш учун минтақани ривожлантириш ҳамда салоҳиятини кучайтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Конференцияда баҳс-мунозаралар натижаларини умумлаштириб, унда кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш бир йиллик вазифа эмас, деган хулосага келинди. Зеро, бунинг учун юз бераётган жараёнларни доимий мониторинг қилиш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, тадқиқотчилар эътиборини тегишли илмий соҳаларга қаратиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, минтақалар салоҳиятини янада мустаҳкамлашда парламентлар ролини кучайтириш ва парламент дипломатиясидан унумли фойдаланиш муҳим.

Илмий-амалий конференция якунлари бўйича китобхонларнинг кенг доираси учун мўлжалланган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги Тошкент конференцияси асосий натижа ва ютуқларини батафсил изоҳлаб берувчи услубий қўлланма тайёрлашга қарор қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

*Тўрткўл туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б. Алихонов иштирокида учрашув бўлиб ўтди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар, жумладан, маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда жамият ва давлат бошқарувининг барча йўналишидаги туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг самарали кечишида парламент юқори палатаси томонидан маъқулланган шу каби ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Учрашувда Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ижро ҳолати кенг муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати чуқур ўрганилиб, шу юзасидан масъулларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида" қарори муҳокамалар марказида бўлди.

Бу резолюциянинг қабул қилиниши Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, Орол денгизининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва Оролбўйи минтақасида замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш тарзини янада ошириш сари ташланган навбатдаги далил қадам эканлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ йигит-қизлар билан учрашув ўтказилди. Мулоқотда олий ўқув юртларига ўзларининг фан олимпиадалари ва бошқа йўналишларда фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришиши ҳисобига имтиёз асосида қабул қилинган ўнлаб ёшлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

◄1 Яъни "Саломатлик йўлаклари", стритбол, бадминтон, мини-футбол ва "Workout" майдончаларини ташкил этиш, ташкилотларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақаларини ўтказиш, мазкур йўналишдаги ишларни молиялаштириш, "Спорт тарғиботчилари" фаолиятини самарали уюштириш, уларни рағбатлантириш, ходимларга ишдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланиши учун яратиб берилаётган имкониятлар мониторинг қилиб борилган.

Тақдим этилган ҳисоботга кўра, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб спорт тарғиботчиси лавозими жорий этилиб, лавозим эгасининг маошига 20 фоиз миқдорида устама тўлаш йўлга қўйилиши белгиланган эди. Мавжуд вазирлик, идора ва ташкилотларда жами 464 та спорт тарғиботчиси лавозими ташкил этилгани ҳолда, улар ойлигига белгиланган миқдорда устама тўлаб келинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш учун Андижон, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар туризм ва спорт бош бошқармалари ҳамда 170 та туман ва шаҳарларга 2021 йилда умуман маблағ ажратилмаган. Лекин тақдим этилган маълумотларда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 9190 та маҳаллада ўтказилган 74963 та спорт мусобақаси ва тадбирларига 5,4 млн. нафар ёки жами аҳолининг 16 фоизи жалб қилинган.

Йиғилишда халқ вакиллари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 10 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда грант маблағлари ажратилиши белгиланганини таъкидлади.

Тадбир сўнгида билдирилган таклифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИ ЎҚИТИЛМОҚДА

◄1 Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни ташкилотчиларининг сайлов қонунчилиги бўйича малакасини оширишга қаратилган кенг қамровли машғулотлар бутун республика бўйлаб бир неча босқичда ўтказилган. Навбатдаги ўқув машғулотларида жами 266 нафар округ сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, котиби ҳамда аъзолар иштирок этяпти.

Семинар-тренинг Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури ҳамда ўқув-методик материаллар асосида олиб борилади.

Икки кун давом этадиган ўқув машғулотлари давомида округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил қилиш, округ ва УСК бинолари ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сайловни ўтказувчи сайлов комиссиялари ваколат ва вазифалари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш каби мавзулар кенг қамраб олинади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МАҲАЛЛАБАЙ ИШ ОЛИБ БОРИШНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси "Маҳаллабай ишлаш тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги йўналиши" мавзуида семинар ўтказди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакиллари қатнашди.*

Семинарда маҳаллабай ишлаш тизими орқали "оғир" маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларда оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш ва ишсизликни бартараф этиш, шунингдек, маҳаллаларнинг "ўсиш нуқталари"-ни аниқлаш ва янги тадбиркорликни, жумладан, "драйвер" лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш борасида бажарилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллаларда бизнесни йўлга қўйиш истагида юрган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Шунингдек, ҳудудларда маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш борасида молиявий кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ вакиллари етакчи тадбиркорларга кооперация асосида ишлаётган фуқаро томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларни сотиб олиш ёки шартномага асосан, фуқарога ойлик иш ҳақи тўлаш шарти тизими йўлга қўйилиши натижасида келгусида етакчи тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етиши эҳтимоли мавжудми, деган савол билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакилларига юзланди.

Бугунги кунда ҳам маҳаллани энг қуйи поғонадаги халқпарвар тузилмага айлантириш, барча маҳаллани, жумладан, олис ҳудудлардаги қишлоқ ва маҳаллаларни бир хил кўриш, "Маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Тадбир якунида депутатлар томонидан кўтарилган масалалар юзасидан Ҳукумат аъзоларининг ахборотларини доимий равишда эшитиб бориш ва бу борада ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# ДОИМИЙ МУЛОҚОТ, ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ВА ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ

## иккинчи сектор фаолиятининг асосий йўналишларидан бири

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудида йўлга қўйилган секторлар фаолияти жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги аҳволни ўрганиш, давлат органлари ва аҳоли ўртасида яқиндан мулоқотни йўлга қўйиш орқали уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, муаммоларга ечим топиш ҳамда бу борада вазифаларимизни белгилаб олишда муҳим омил бўлмоқда.*

*Ҳудудларда бажарилаётган ишларнинг ҳолатини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг самарали шаклларини жорий этиш, хусусан, қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳудудий прокурорларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.*

*Шунингдек, прокуратура органлари иккинчи сектор сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш, умуман, одамларни рози қилиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошираётир.*



### Сектор фаолиятига бир назар

#### Ҳар бир йўналиш доимий назоратимизда

Самарқанд вилояти прокурорлари секторига бириктирилган 290 дан ортиқ маҳаллаларда бир миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиляпти. Жорий йилнинг ўтган даврида иккинчи сектор ташаббуси ва кўмаги билан юзлаб умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотларида зарур шароитлар яратилди. Қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари ва замонавий бекатлар ташкил этилди. Эътиборлиси, 80 та маҳалла биноси билан бирга, 20 нафар эҳтиёжманд оила учун уй-жойлар қуриб берилди, 113 нафарининг уйлари таъмирланди.

Биргина мисол, Жомбой туманидаги Сариқипчоқ маҳалласида жойлашган 10-умумтаълим мактаби капитал таъмирланиб, замонавий зиё масканига айлантирилди. Маҳаллаларда мактабгача ёшдаги болаларни таълимга қамраб олишни кўпайтириш мақсадида ташаббускор тадбиркорлар томонидан 2295 ўринга мўлжалланган юзга яқин мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Масалан, Тайлоқ туманидаги Бирлик маҳалласи ҳудудида қурилган “Вазира бону” номли давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти болажонларни ўз бағрига олиши билан бирга, ҳудуд кўркига кўрк қўшди. 75 ўринли ушбу мажмуада жажжи кичкинтойларга таълим-тарбия бериш учун барча шарт-шароит ва қулайлик яратилган.

Нарпай туманидаги Равот Олчин маҳалласида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган 49-МТТда ҳам муҳайё этилган шароитлар кўзни қувонтиради. Муҳими, 3 — 7 ёшли болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси ошмоқда.

#### Бандлик — муҳим масала

Бандлик — энг муҳим масала. Буни давлатимиз раҳбари ҳар бир йиғилишда, учрашувда, фаоллар билан мулоқотда алоҳида таъкидлаб ўтади. Негаки, бекорчи одамда жиноятга қўл уриш эҳтимоли кучаяди. Бу амалиётда исботланган.

Шу маънода, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, “ёшлар дафтари”да турган ишсизлар бандлиги ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини турар жой билан таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Вилоятнинг энг олис ҳудудларидан бўлмиш Қўшработ туманидаги Жўш қишлоғида тадбиркорлар томонидан ёшлар учун барча шароитга эга сузиш ҳавзаси ташкил этилди. Ҳавзада ёзнинг иссиқ кунларида кунига ўртача 50 нафар ўсмир сув спорти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, “Жўш Ота” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Ниҳол майсазори” фермер хўжалигига 150 гектар лалмикор майдонда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида субсидия ажратилган бўлиб, у ерда узумзор, олмазор ва бодомзор барпо этилган. Ҳозирги пайтга келиб, кўчатлар ривожланган ва кўчатлар ҳосилга киргунга қадар оралиқ экинлар, яъни қовун-тарвуз, картошка-пиёз, помидор-бодринг ҳамда ловия экинлари экилиб, 25 нафар ёш иш билан таъминланган.



“Ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи Пайариқ туманидаги Дарвишиқ қишлоғида яшовчи Маржона Абулқосимова чин етим эканлиги, қарамоғида вояга етмаган укаси борлиги инобатга олиниб, моддий ёрдам пули тайинланди. Оилавий шароитини яхшилаш мақсадида зарур ошхона жиҳозлари ва мебеллари тақдим қилинди. Оёққа туриб олиши учун қўшимча икки бош қорамол, битта қўй, 15 та қуён ҳамда 50 та товуқ олиб берилди. Иссиқхона қурилиши эса айни муддао бўлди.

Бу ҳали барчаси эмас. Булунғур туманидаги “Қирқшоди” МФЙда яшовчи тадбиркор Д. Ўролов ўз бизнесини бошлаши учун унга маҳалла биноси ёнидан ер ажратилди. Имтиёзли кредит эвазига у саксон ўринли “Real School” номли хусусий мактаб ва Халқ кутубхонасини ташкил этди. Бу эса маҳалла аҳлига кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада оширди.

Давлатимиз раҳбарининг “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан 21 йўналишдаги зарур хизмат турларини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит асосида 330 та йўналиш бўйича тўлиқ жиҳозланган контейнерлар ўрнатилди.

Масалан, Жомбой туманидаги Кўлбости қишлоғида 4 дона контейнер ўрнатилиб, ушбу контейнерларда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи тўрт нафар хотин-қиз ҳамда ёшлар томонидан аҳолига сартарошхона, гўзаллик салони, компьютер хизмати, гўшт дўкони, савдо хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

#### Аҳоли фаровонлиги — олий саодат

Президентимизнинг тегишли қарори талабларидан келиб чиқиб, Жомбой тумани иккинчи секторига қарашли “Кўкгумбаз” ва “Ғазира” маҳалла фуқаролар йиғинлари учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги бинолар қуриб берилди. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундан халқимиз ғоятда миннатдор.

Эътиборлиси, Нарпай туманидаги “Соҳибкор” МФЙ эски бинолари таъмирланиб, бинонинг бўш турган хонасида тикув цехи ишга туширилди. Айни пайтда бу цеҳда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган ўнлаб фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, бинонинг ён томонида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида “Street working out” ҳам ташкил қилинди.

Яна бир муҳим масала, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлиб, бу борадаги ишлар салмоғи ҳам кичик эмас. Биргина Иштихон туманидаги Дўстлик маҳалласида яшовчи, “темир дафтар”да турувчи, боқувчисини йўқотган 15 нафар хотин-қизга уй-жой шароитларини яхшилаб олишлари учун зарур қурилиш моллари олиб берилди.

Шу билан бирга, Жомбой туманидаги Қўлбости маҳалласида яшовчи фуқаролар Р. Сатторова, Н. Эргашевалар учун янги уй-жойлар қурилган бўлса, Ш. Розиқова, Г. Раҳматуллаева ҳамда якка-ёлғиз фуқаро З. Чўлиеванинг хонадонлари тўлиқ таъмирланди.

Бундай мисолларни Нуробод туманидаги Жом маҳалласи мисолида ҳам айтиш мумкин. Хусусан, ушбу маҳаллада ўтказилган мониторинглар давомида 36 та эҳтиёжманд оила аниқланиб, уларнинг ҳам турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида яшаш хонадонлари жорий таъмирланди.

#### Янги тизим имкониятлари

Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар бугун ўз самарасини бермоқда. Жумладан, маҳаллаларда йўлга қўйилган “ёшлар дафтари”, “аёллар дафтари”, “темир дафтар” аҳоли ҳаётига янгича руҳ олиб киряпти.

Биргина “ёшлар дафтари”га киритилган навқирон авлод вакилларини олайлик. Нарпай туманидаги Ўзбеккенти маҳалласида яшовчи, “ёшлар дафтари”да рўйхатда турувчи фуқаро С. Носировга қуёнчилик билан шуғулланиши учун имтиёзли шартлар асосида 30 млн. сўм кредит маблағлари олиб берилди. Бундан унумли фойдаланган фуқаро қуёнлар сотиб олиб, парваришлашни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда ушбу қуёнлар сони 400 тага кўпайиб, доимий даромад манбаига эга бўлди. Муҳими, бандлиги таъминланди.

Жомбой туманининг Кўкгумбаз маҳалласидаги 35-мактабнинг бўш турган биносидан унумли фойдаланиш учун тикувчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилиши натижасида учта дафтарда рўйхатда турган 40 нафар фуқаро банд бўлди.

Иккинчи сектор ҳудудида яшовчи 143 450 нафар камбағал, ишсиз аҳолига ўзини ўзи банд қилишлари ва уларга қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида ғалладан бўшайдиган майдонлардан кластерлар, фермер хўжаликлари ҳамда экспортёр корхоналар ёрдамида пешма-пеш равишда такрорий экин экиб, етиштириб олишлари учун ер майдонлари ажратилиши йўлга қўйилди.

Ажратиб берилган майдонларга фуқаролар томонидан сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда, сувсизликка чидамли бўлган дуккакли ҳамда мойли экинларни экиш бўйича тавсиялар берилмоқда ва аҳолига ер ажратиб бериш ишлари давом этяпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида:

- “Темир дафтар”га киритилган 16 минг 485 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.
- “Аёллар дафтари”даги 7 минг 889 нафар хотин-қизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.
- “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 17 минг 567 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Умуман олганда, янги иш тутуми халқни рози қилишдек эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, одамлар эртага эмас, бугуннинг ўзида ислоҳотларни ҳис этиши лозим. Айни пайтда юртдошларимиз ана шундай ҳис-туйғулар билан яшамоқда, эртанги кундан кўнгли тўқ, дейишга асосларимиз етарли, албатта.

Юқорида вилоят прокурорлари секторида амалга оширилган айрим ишлар бўйича тўхталиб ўтдик. Биз бу билан чегараланиб қолганимиз йўқ. Олдимизга қўйган режаларимиз ҳам улкан. Қолаверса, юрт тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш биз, прокуратура органлари ходимларининг энг асосий вазифамиздир. Халқ хизматида бўлиш эса энг олий саодат.

**Равшан МАШАРИПОВ,**
**Самарқанд вилояти прокурори.**

# РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

## Ёхуд ишбилармон чорвадорни қачонгача сарсон қилишади?

*Ғиждувон туманидаги “Шукур Тўхта” фермер хўжалиги иш юритувчиси Амон Тўхтаевни кунора гоҳ у, гоҳ бу туман маркази ёки Бухоро шаҳрига йўл олаётганини кўриш мумкин. Хўжаликда, хусусан, чорвачилик фермасида иш қайнаб турганида тадбиркор йигитнинг бу ташвишларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, йўлга отланиши сабаби нимада?*

### Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Сиз сўраманг, мен айтмай, — дейди Амонжон. — Хабарингиз бор, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури ҳаётга татбиқ этиляпти. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ҳам қабул қилинган. Жамоамиз билан ушбу қарор ижросини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Шу кунга қадар таъминотчи сифатида ўнлаб кам таъминланган оилаларга банк кафолат хати асосида зотдор чорва моллари етказиб бердик. Аммо бир неча ойдирки, ажратилган қорамоллар пулини ололмай сарсонмиз. Айни кунда банк муассасалари биргина бизнинг хўжалигимиздан 1,5 миллиард сўмдан зиёд қарздор бўлиб турибди.

Бир ярим миллиард сўм-а? Бу айтишгагина осон. Шунча маблағни ўз вақтида ололмаётган тадбиркорнинг сабр-тоқатига балли, дейсан, киши. Ахир, “Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак”, деганларидек, хориждан келтирилган зотдор чорва молларини боқишнинг, уларни кўпайтиришнинг ўзи бўлмайди.

Тадбиркор қўлимизга тутқазган қарздорлар рўйхатига кўз югуртирамиз. Мана, Қоракўл туманида яшовчи Умид Ғойибназаров, Ширин Муқимов, Хурсанд Саломов сингари эҳтиёжманд фуқаролардан 11 нафар кишига шу йилнинг майида “Агробанк”нинг кафолат хати асосида жами 234 миллион 445 минг сўмлик чорва моллари берилган.

Аммо таъминотчининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кўчиришга келганда сичқоннинг ини минг танга бўлаётир. Жимжимадор кафолат хати берган банк мутасаддилари бошлаларини оғритишмаяпти. Таъминотчининг ҳақли талабларини назар-писанд қилишмаяпти.

Мурожаатларига эса тўмтоқ, тушунарсиз жавоб ёзиш билан сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлишмоқда.

**Масалан, “Агробанк” АТБ Ғиждувон филиали бошқарувчиси Б. Келдиев йўллаган жавоб хатида шундай сўзларни ўқиш мумкин: “АТБ “Агробанк” Сизнинг мурожаатингизга жавобан шуни ёзиб маълум қиладики, ҳозирги кунда Имтиёзли кредитлар ресурслари шакллантирилганлигидан сўнг, календарь навбат кетма-кетлиги асосида филиаллар кредит комиссиялари белгиланган тартибда пул маблағлари “Шукур Тўхта” фермер хўжалигининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини маълум қилади”.**

Шу ўринда “Ҳой, биродар, Имтиёзли кредитлар ресурслари шакллантирилмаган экан, нега таъминотчига кафолат хати берасан? Нега кўрпангга қараб оёқ узатмайсан?”, деган савол туғилади.

— Биздан Халқ банки ва ҳатто қўшни Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани “Микрокредитбанк”и ҳам катта миқдорда қарздор, — давом этади А. Тўхтаев. — Шу боис асосий ишларим бу ёқда қолиб, куним банкларга бориш билан ўтяпти. Сизга ёлғон, менга чин, айрим банк мутасаддилари ҳатто “Эҳтиёжманд фуқарога қорамол ажратманг. Ҳоким босим ўтказгани учун биз кафолат хати ёзиб беришга мажбур бўлганмиз”, дейишгача боришди.

Аммо мени бир нарса таажжубга қўяди. Мабодо, биз, тадбиркорларга банк кредит ажратсаю фоизини қайтаришни лоақал бир кунга кечиктирсак, то уни олмагунча ҳоли-жонимизга қўйишмайди. Нега энди минг бир машаққат билан боқиб, парваришлаган чорва молларимиз пулини беришни пайсалга солишади?

— Тадбиркор ҳақ, — дейди ишбилармон чорвадор муаммоларидан хабардор меҳнат фахрийси Ҳаким Ражабов. — Маърака-маврилларда одамлардан “Гўштнинг нархи фалон сўмга чиқиб кетди”, мазмунидаги гап-сўзларни кўп эшитамиз. Чорвадор йўлига бу каби сунъий тўсиқлар қўйилгач, соҳа қандай қилиб равнақ топсин?! Бундай муаммолар ишбилармон чорвадорларимизнинг ғайрат-шижоати, иштиёқини сўндириб қўйиши, уларни банкрот ёқасига келтириши ҳеч гап эмас, ахир.

Бу ҳам ҳақли эътироз, албатта. Зеро, суриштирувлар кўрсатмоқдаки, нафақат Бухородаги, балки республикамиздаги кўплаб таъминотчи тадбиркорлар “Шукур Тўхта” фермер хўжалиги дуч келган муаммо гирдобига тушиб қолишган.

Бинобарин, бу муаммога зудлик билан ечим топиш даркор. Негаки, бозорларимизда чорва маҳсулотларининг нисбатан арзон, чўнтакбоп бўлиши кўп жиҳатдан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган фермерлар ташвишини енгиллаштиришга, уларга елкадош бўлмоққа боғлиқ. Токи, чорвадор у банкдан бу банкка пулимни бер, деб сарсон-саргардон бўлмасин, зотдор чорва моллари ҳисобига туёқ сонини кўпайтириш, улар маҳсулдорлигини ошириш, янги бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳақида ўйласин.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАЪМИНОТ БАРҚАРОР БЎЛСА

## ИҚТИСОДИЁТ ҲАМ, ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИ ҲАМ ЯХШИЛАНИБ БОРАВЕРАДИ



*Бундан икки йил аввал, аниқроғи 2019 йилнинг август ойида Ўзбекистон иқтисодиёти учун тарихий воқеа рўй берганди. Яъни замонавий технологиялар асосида қурилган Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ишга туширилиб, дастлабки киловатт электр энергияси истеъмолчиларга етказиб берила бошланганди. Энергетика тараққиётнинг энг муҳим манбаи, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи омил ҳамда нафақат чекка-чекка қишлоқларда, балки йирик шаҳарларда ҳам электр энергиясида узилишлар бўлишини инобатга олсак, бу жуда муҳим лойиҳа ҳисобланади.*

*Бугунги кунда Фарғона водийсида электр таъминоти бўйича асосий манба ҳисобланган, иккита замонавий ва самарали буғ-газ қурилмаларига эга бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясида бир кеча-кундузда қарийб 20 млн. кВт/с электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси тизимли равишда ошириб борилиши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ҳам мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда.*

*Мухбиримизнинг “Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси” унитар корхонаси бош директори Искандар БАСИДОВ билан суҳбати ушбу улкан мажмуанинг аҳамияти, умуман, тизимдаги янгиликлар хусусида бўлди.*

### Энергетика

— Суҳбатимизни мазкур иссиқлик электр станцияси нима учун айнан Наманган вилоятида барпо қилингани хусусидаги фикрдан бошласак, — дейди И. Басидов. — Сабаби оддий. Биламиз, Фарғона водийси нафақат республикамиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуд ҳисобланади ва мамлакат бўйича жами электр энергиясининг бешдан бир қисми ёки 20 фоизи шу ҳудудда истеъмол қилинади. Лекин шундай бўлса-да, илгари бу ерда Фарғона иссиқлик электр марказини ҳисобга олмасак, электр энергияси ишлаб чиқариш манбаи мавжуд эмасди. Шу боис истеъмол қилинадиган электр энергиясининг салмоқли қисмини Тошкент вилояти ҳамда қўшни Қирғизистон Республикаси етказиб берарди. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуддаги йирик ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига жиддий таъсир кўрсатмай қолмасди. Бундан ташқари, водий аҳлини аёзли куз-қиш ойларида электр энергияси билан таъминлашда бир қатор муаммоларни юзага чиқарарди. Буларнинг барчаси электр энергияси таъминоти долзарб масалага айланиб улгурганидан далолат эди.

Шу ўринда яна бир гап. Ҳудуддаги бу каби тақчилликни қоплаш учун дастлаб Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси — Наманган йўналишида юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш ва фойдаланиш режалаштирилган эди. Мазкур лойиҳани географик ҳамда табиий-иқлимий шароитларда амалга оширишнинг мураккаблиги боис шу ҳудуднинг ўзида электр энергияси ишлаб чиқариш манбаси — Наманган вилоятида Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини барпо қилиш бўйича муқобил лойиҳа ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, жаҳон стандартларига жавоб берувчи, замонавий энергетика иншоотининг қурилиши тарихи Президентимизнинг 2013 йил 28 мартдаги “Наманган вилоятида 900 МВт қувватга эга бўлган иссиқлик электр станциясини қуриш тўғрисида”ги қарори билан боғлиқ. 1,19 млрд. АҚШ долларига тенг лойиҳа ишларининг жадаллашишида эса давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 30 декабрдаги “Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этди.

**— Айтингчи, мазкур иссиқлик электр станциясининг барпо қилиниши, мамлакатимиз, хусусан, Фарғона водийси аҳолиси учун қандай манфаат келтирди?**

— Аввало, Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қувватлари Фарғона водийси минтақасида жами энергетика қувватлари миқдорининг 4 карра ошишига, яъни 313 МВт дан 1212 МВт га етишига имкон берди.

Иккинчидан, Ўзбекистон электр энергетикаси хавфсизлиги сезиларли даражада мустаҳкамланди ҳамда ягона электр энергетика тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаши таъминланди.

Учинчидан, ҳудуд истеъмолчилари эҳтиёжининг барқарор ва узлуксиз таъминланишига эришилди.

Тўртинчидан, электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши натижасида водий вилоятлари, умуман, мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишга, ижтимоий ривожланиш ва прогрессга кўмаклашиши кузатилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича замонавий ва самарали технологияларнинг босқичма-босқич жорий қилиниши жадаллаштирилди.

Олтинчидан, мавжуд ёқилғи-энергетика захираларидан самарали ва рационал фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

**— Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясининг бошқа станцияларга нисбатан ўзига хослиги, унинг афзалликлари тўғрисида кўп гапирилади...**

— Ўзига хослиги унинг замонавий автоматлаштириш стандартларига мослигида яққол кўринади. Бугунги кунда станцияда қўриқлаш ва видеокузатувнинг илғор ва ишончли, киберхавфсизликнинг энг янги тизими жорий қилинган. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” рақамли трансформацияни ривожлантириш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ корхона ресурсларини режалаштириш тизими (ERP), ишлаб чиқаришни бошқариш тизими (MMS), диспетчерлик назорати ва маълумотларни тўплаш тизими (SCADA), халқаро молиявий ҳисоботлар стандартини жорий қилиш ишлари бошланган.

Ҳозирги кунда станцияда ишлаб турган диспетчерлик назорати ва маълумотларни тўплаш тизими (SCADA) кенг камровли ва юқори унумдорликка эга интеграциялашган платформа бўлиб, у ишлаб чиқаришга оид барча маълумотни онлайн режимида тўплаш, қайта ишлаш, кузатиш ва таҳлил қилиш вазифаларини бажаради. SCADA тизими — очиқ платформа сифатида рақамли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун жуда кўп иловаларни ўзида бирлаштиради. Платформа иловаларни етказиб берувчи тизим сифатида мавжуд маълумотларни, компонентларни ҳамда ташқи маълумотларни ўзгартириш ва қайтадан ишлаш имкониятини беради. Ушбу тизим линияларни тезкор бошқаришга, юқори вольтли линиялардаги авария вазиятларини аниқлашга, ёнғинга ва бошқа шу каби аварияларга қарши чораларни ўз вақтида қўллашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, станциямиз мамлакатимиздаги энг тежамкор электр ишлаб чиқариш иншоотларидан бири бўлиб, 900 МВт/с қувватни худди шундай эквивалентдаги қувватни ишлаб чиқарувчи бошқа иссиқлик станцияларига нисбатан йилига 730 миллион кубометр табиий газни тежаб сарфлайди. Ҳозирги кунда станцияда 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 226 грамм шартли ёқилғи сарфланмоқда. Станцияда бир йил давомида 6,7 миллиард кВт/с электр энергияси ишлаб чиқариш учун 1,36 миллиард кубометр газ ёқилғиси сарфланади ва фойдали иш коэффициенти 57,46 фоизни ташкил этади.

**— Замонавий, автоматлаштирилган технологиялар асосида қурилган станцияда меҳнат қилиш учун ходимларга қандай малакавий талаблар қўйилади?**

— Станция ишга туширилган дастлабки кезларда масъул лавозимларга мамлакатимизнинг бошқа электр станцияларидан мутахассислар жалб қилишга тўғри келди. Шунингдек, вилоятнинг турли чекkaларидан ташаббускор ва иқтидорли ёш кадрлар иссиқлик электр станциясига ишга таклиф қилинганлиги ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Назарий билимга эга бўлган ёш ва салоҳиятли кадрларнинг амалий тажрибасини ошириш орқалигина самарали фаолиятни ташкил қилиш мумкин. Шуни эътиборга олиб, иссиқлик электр станцияси мутахассислари малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш мақсадида “Устоз — шогирд” шаклида ўқитиш тизими жорий этилди. Натижада қисқа давр ичида бир қатор ташаббускор ёш мутахассислар шаклланиб чиқдики, уларга станциянинг мураккаб участкаларини ишониб топширса бўлади.




Станциямиз янги. Шундай бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш борасида тажрибали ҳамда ёш салоҳиятли кадрларимиз мунтазам равишда ўз таклифларини ишлаб чиқмоқда. Ушбу таклифлар амалиётга жорий қилингани боис катта миқдорларда иқтисодий ва технологик самара келтирмоқда. Масалан, табиий газнинг сифати станцияда ўрнатилган замонавий ускуналарнинг хизмат муддатига бевосита таъсир ўтказади. Шуни эътиборга олиб, станциянинг комбинациялашган циклдаги буғ-газ қурилмасининг ишончли ва тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг октябрь ойида цехдаги компрессор қурилмалари ёнида монтаж қилинган асосий фильтр сепаратори ёрдамида газ ёқилғиси турли механик чиқиндилардан максимал даражада (99,97 фоизгача) тозаланмоқда.

Ҳозирги кунда биринчи асосий фильтр сепараторининг ёнида иккинчи асосий фильтр сепараторини ўрнатиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойига қадар ўрнатилиши режалаштирилаётган ускуна ёрдамида станциядаги газ компрессорларини узлуксиз равишда тозаланган газ ёқилғиси билан таъминлаб бериш имконияти яратилади.

Буғ-газ қурилмалари цехининг ҳавони комплекс тозалаш қурилмасида станция мутахассислари томонидан синов-тажриба ўтказилмоқда. Олиб борилаётган мазкур синов-тажриба жараёнида ҳавони комплекс тозалаш қурилмасида микроиқлим шакллантирилиб, ташқаридан олинаётган иссиқ ҳаво (кислород) сунъий равишда совитилган ҳолда истеъмолга йўналтирилмоқда. Синов-тажриба, пировардида станцияда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми сезиларли равишда ўсишига эришилиши кутилмоқда.

Кимё цехи мутахассисларининг сувни тозалаш бўйича фойдаланиладиган қуруқ ҳолдаги реагентларни концентратга айлантириш борасида берган таклифлари асосида сувни тозалаш харажатларидан йилига 1 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинмоқда. Ушбу цех мутахассислари таклифлари асосида насос қурилмаларидан фойдаланишда 0,4 млрд. сўмлик электр энергияси тежалмоқда. Ҳозир лойиҳани тўлиқ якунлаш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Жумладан, иссиқлик электр станциясини асосий магистраль йўллар билан боғловчи замонавий автомобиль йўли, станция ходимлари учун зарурий ижтимоий инфратузилма объектлари барпо қилинмоқда. Булар, ўз навбатида, ишчи-ходимларимизга қулай шароит яратмоқда. Қулайлик бор жойда эса унумдорлик ҳам юқори бўлади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# ЙЎЛЛАР ОБОД, КЎНГИЛЛАР ОБОД



1

Мустақилликнинг кейинги беш йилининг дастлабки йиллари мамлакатимизда аҳолининг турмуш тарзи ва шароитлари ўрганилди, ҳар бир хонадонга кириб, ҳар бир фуқаронинг яшаш шароитлари билан танишилди. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари тузилди, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” шакллантирилди ва ҳаётга жорий этила бошланди.

Мамлакатдаги ҳар бир инсоннинг ташвиши, ғами, муаммосини, айни пайтда қувончи, ғалабасини ўзиникидек кўриб келаётган Президентнинг ташаббуслари билан амалга оширилаётган барча ишлар заминида чуқур тажриба ва мантиқ ётибди. Бир тасаввур қилайлик: бир қарич лой кечиб мактабига борадиган боланинг кайфияти қандай бўлади-ю, оладиган билими қандай бўлади? Ариқ ёки каналдаги, нари борса, сув ташувчи машинадаги сувни истеъмол қилиш, эҳтиёжларга етказишга интилиш, сифатсиз сувнинг саломатликка таъсири, айниқса, бу йил ёз шароитида сув танқислиги каби омиллар инсон кайфиятига қандай таъсир кўрсатади? Буларнинг ҳаммаси эса одамдаги энг яхши фазилатларнинг: инсонпарварлик, поклик, ҳалоллик, хушмуомалалик, ватанпарварликнинг шаклланишида асосий омиллар эканини яхши биламиз.

Мана нима учун “Обод маҳалла” дастурига алоҳида эътибор қаратилди?! Амалга оширилган ишларнинг саноғига етиб бўлмайди: катта шаҳарларимизда ўн йиллар мобайнида сув босиб, чивинхона бўлиб ётган подваллар қуритилди. “Чин сўзим, ағанаб тушмайман”, деб турган 50 — 60 йиллик электр симёғочлар янгиларига алмаштирилди. Ҳалиҳануз ташиб келтириладиган сувни челаклаб уйига олиб бориб юрган келинларимиз ва қизларимиз уйларнинг ичига ўрнатилган кранлардан баҳраманд бўлиш нима эканини англаб етмоқда. Жорий йилда энг чекка қишлоқларга ҳам жуда бўлмаганда тош йўллар тортилди, босқичма-босқич асфальт қилишга киришилди. Янги мактаблар, болалар боғчалари қурилди, эскилари таъмирланмоқда. Одамларга, айниқса, ёшларга қишлоқ жойларда ер берилмоқда.

Натижада шаҳару қишлоқларимизнинг сурату сийрати ижобий томонга кескин ўзгарди. Ишсизлик, айниқса, жорий йилда кескин камая бошлади ва албатта, одамларимизнинг кайфияти яхши томонга ўзгармоқда.

Куни кеча Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказида, жазирама иссиқда рюкзак тақиб олган болакайни тўхтатиб: “Болам, қаёққа кетяпсан?” деб сўраганимда “Инглиз тили дарсига”, деганди қувончдан бошим осмонга етди... Жиззах шаҳрида очилган замонавий технологиялар институтига ҳужжат топшираётган бахмаллик оддий қишлоқдан келган, лекин инглиз тилини ўзлаштириб олган қизлар, француз ёзувчиси Дрюоннинг “Соҳибқирон Амир Темур” асари мавзусини айтиб берган қамашилик 80 ёшли Эргаш ота, Олмалиқ, Оҳангарон, бошқа шаҳар ва узоқ қишлоқларгача вагончаларда жиҳозланган “Гўзаллик салонлари”, бир эмас, бир нечта хорижий олий ўқув юртларига кириб улгурган ургутлик ёшлар, республика асал кўргазмасида иккинчи ўринни олган бухоролик ёш асалчилар, Марғилон ва Бойсундаги эгизак ҳунармандчилик масканлари, ҳар автобус бекатида ўша ерга хос иссиқ тандир нонини харид қилиш имконияти — буларнинг ҳаммаси ҳозирги кун воқелиги.

Қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлиги борлар, етимларга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, қурилаётган кўркам уйлар, нуронийларнинг иззат-эътиборда экани ҳам кунимизнинг воқеликлари.

Ислом олами ва дунё тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз: Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Термизийлар, Бухорий, Улуғбек, Навоий ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, ислом динининг асл тинчлик, эзгулик ва бағрикенглик моҳиятини англаш ҳамда англатиш мақсадида ташкил этилган Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, буюк муфассирлар ва муҳаддислар анъаналарини давом эттирадиган юқори малакали ва чуқур илмли илоҳиётшуносларни тайёрлаш мақсадида фаолияти йўлга қўйилган Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби ва Тошкентдаги Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам кунимизнинг ҳақиқатлари.

Янгиланган ва қайта жон ато этилган Фанлар академияси, қўлёзмалардан тортиб янгиланувчи энергия манбаларигача тадқиқотлар олиб бораётган илмий изланиш муассасалари, ўндан зиёд халқаро олий таълим муассасаларининг филиаллари, Президент мактаблари, спортчиларимизнинг Токиодаги ғалабалари ҳам бугунимизнинг фараҳбахш воқелигидир.

Албатта, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Аммо биринчи қадамлар ташланди. Ҳаётидаги биринчи ўзгаришларни,ислоҳотларнинг биринчи натижаларини халқимиз кўриб, билиб турибди. “Қилса бўлар экан-у!” деяпти халқимиз обод маҳалладан тортиб “сити”ларимизгача назар ташлаб. Ҳа, давлат раҳбарининг ҳар бир қадами ҳаёт тажрибаси ва соғлом мантиққа асосланса, қилса бўлар экан, сиёсатининг мақсади элни ва ҳар бир инсонни рози қилиш бўлса, қилса бўлар экан!

Ҳазрати Навоий эл ғамини ўйлайдиган инсонни тараннум этганди. Куни кеча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган интервьюда давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди: “Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятимнинг маъно-мазмунини ташкил этадиган энг улуғ мақсад — халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан фидокорона хизмат қилишдан иборатдир”.



Йўллар ва кўнгиллар ободлиги сари қадамларимиз бардавом, халқимизни рози қилиш учун олиб борилаётган олижаноб фаолият хайрли ва самарали бўлсин.

**Шоазим МИНОВАРОВ,**
**Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори.**

# ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР

1

Бу бежиз эмас эди. Чунки Ўзбекистон Фанлар академияси кейинги чорак асрда ўз яхлитлигини йўқотганди. Бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари юзаки асослар ва шошмашошарлик билан олий ўқув юртлари таркибига қўшиб юборилди. Бу қўшилганларга ҳам, қўшиб олганларга ҳам фойда келтирмади: таълим ва фанни режали бошқариш тизими мураккаблашиб кетди, илмий ходимлар, айниқса, ёш олимлар қўнимсизлиги юзага келди, энг ёмони, фундаментал тадқиқотлар кўлами ва самарасига путур етди.

1995 йилдан кейин академиклар сайловлари ўтказилмагани оқибатида уларнинг сони 63 нафарга тушиб қолди. Олимлар орасида академикликдек юксак илмий унвонга ҳурмат, ишонч ва интилиш пасайиб кетди. Илм-фанни жаҳон андозалари даражасидаги илмий ишлар билан бойитиш, тан олинган мактаб яратиш сингари академикликка хос белгилар, унсурлар ўз долзарблиги, аҳамиятини йўқота бошлади.

Бу камчиликларнинг фанимиз келажагига кўрсатадиган салбий таъсир даражасини теран англаган Президентимиз ўзининг 2017 йил бошларидаги қарори билан олиб қўйилган илмий-тадқиқот муассасаларини Фанлар академияси таркибига қайтарди. Бу академик фаннинг инновацион ривожланишига катта туртки бермоқда. Мисоллар кўп. Масалан, Математика институтидаги илмий мактаблар ютуқларининг жаҳон миқёсида тан олинаётгани бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2017 йил охиридаги Фармонига мувофиқ, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган 32 нафар истеъдодли олимимиз академик деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Илғор хорижий тажрибалар, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғи ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилгани оламшумул воқеа бўлди.

Қайд этиш жоизки, қайси олий таълим ва илмий муассаса ушбу вазирлик тизимида Президентимизнинг тегишли қарори билан ташкил этилган Илғор технологиялар маркази кучи ва имкониятларидан тўғри фойдалана олаётган бўлса, у мақсадли илмий-техник ва инновация дастурларини дунё стандартлари даражасида бажариш, хорижий давлатларда патентлаштириш имконияти бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, тадқиқотларга халқаро грантларни жалб этиш борасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Биламизки, ҳар қандай турдаги лойиҳа, у фундаментал бўладими ёки амалий, инновациями, барибир якунида жорий этилиши керак. Акс ҳолда олинган натижалар ҳисобот шаклидаги “ўлик мол” бўлиб, китоб жавонларида қолиб кетаверади. Президентимиз 2018 йилда қабул қилган учта қарор илмий ҳажмдор маҳсулотларни амалиётга жорий этишни тезлаштириш механизмларига бағишланган. Биз, олимлар, илмий ҳажмдор маҳсулотларни яратувчилар ва ишлаб чиқариш субъектлари (кластерлар, заводлар, фермерлар, тадбиркорлар ва бошқалар), шундай маҳсулотларнинг харидорлари, буюртмачилари ушбу қарорларда белгилаб берилган механизмлардан омилкорлик билан фойдаланишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан олий таълим ва илмий муассасаларда илмий ишлар бўйича проректор ҳамда директор ўринбосари ўрнига мос равишда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор ҳамда директор ўринбосари лавозимлари киритилди. Ҳар икки лавозимдаги олимларнинг масъулияти ошди. Олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларни ташкил этишга рухсат берилгани ҳам кутилган самарани бераётганига ишончимиз комил. Чунки асосий вазифаси талабаларни ўқитиш бўлган педагог-олим дарсдан кейин ўзи олган илмий натижаларни жорий этаман деб, идорама-идора югуриб юрмайди — бу ишларни шу бўлинмалар бажаради.

> ***Президент Шавкат Мирзиёев учинчи Ренессанс қалъасининг пойдеворини изчиллик билан барпо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда кўзлари чақнаб турган йигит-қизларга қарата “Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз”, дегани фикримизнинг исботидир.***

Президентимизнинг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан илмий натижаларни тижоратлаштиришда илмий ва олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари, сотиш усуллари, тижоратлаштиришга грант маблағларини ажратиш тартиблари аниқ белгилаб қўйилди. Шундан кейин лойиҳа раҳбарларининг тижоратлаштиришга бўлган лоқайдликлари йўқолди, чунки патентланган интеллектуал мулк объектларининг муаллифлари муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида рағбатлантирилмоқда. Тижоратлаштиришда қатнашган муаллифлар ва илмий жамоа мос равишда шу тадбирдан тушган маблағнинг 40 ҳамда 30 фоизи миқдорида мукофотланадиган бўлди.

Илм-фаннинг пойтахтда “димиқиб” ётмасдан ҳудудларга, вилоятларга дадиллик билан кириб бораётгани диққатга сазовордир. Махсус қарор билан бир қатор туманларнинг инновацион ҳудудларга айлантирилаётганлиги, вилоятларда Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқармалари ташкил этилгани илм-фан ютуқларининг ҳудудлар ишлаб чиқаришига кенг жорий этилиши ҳамда ёш тадқиқотчилар ва олимлар сафи кенгайишини таъминлайди.

Сир эмаски, илм “бакалавриат — магистратура — докторантура” тизими доирасида ривожланади. Аълочи бакалаврдан иқтидорли магистр, ундан истеъдодли фан доктори чиқади. Президентимизнинг 2021 йил 22 июндаги қарори билан бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси оширилгани, тегишли тавсияномаларга эга бўлган хотин-қизлар учун кундузги бакалавриат бўйича қўшимча 2000 та давлат гранти асосида ўрин ажратилгани, абитуриентларга бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилгани, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолибларининг бакалавриатга кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши аълочи бакалаврлар ва бориб-бориб кучли олимлар сонининг кескин ошишига хизмат қилади.

Бакалаврлар, магистрлар ва мустақил тадқиқотчилар сони ошиб бораётган бир даврда таянч докторантура ва докторантура таълимига ўтилгани айни муддао бўлди. Ёш тадқиқотчилар 3 — 5 йил ичида фаннинг тегишли тармоғи бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишга эришмоқда. Биргина бизнинг институтда 30 нафар тадқиқотчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Амир Темур тузукларида шундай дейилган: “Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди”. Шавкат Мирзиёев илм-фан ва тадқиқот, тажриба ва амалиёт машаққатларини бошидан ўтказган инсон сифатида олимларни доимо эъзозлаб келмоқда. Академикликка ўзининг ҳақиқий мақомини беришдан, уларнинг гонорарларини кескин оширишдан бошлаб, то шу ергача ўқиганларингизнинг ҳаммаси эъзоз эмасми?!

Буларга яна илмий ходимлар ойлик иш ҳақларининг кескин ошганлигини, серқирра фаолияти ва илмий ютуқлари учун фан номзодлари (фалсафа докторлари) ва фан докторларининг лавозим маошларига мос равишда 30 ва 60 фоизгача миқдорларда устамалар белгиланганлиги, докторлик диссертациясини ўқиш муддати тамом бўлмасдан ҳимоя қилганларга, уларнинг илмий раҳбарлари ёки маслаҳатчиларига ўқиш муддатининг қолган даври учун кўзда тутилган стипендиянинг ҳамда раҳбарлик тўловларининг жами миқдори бир марталик мукофот шаклида берилаётганлигини ва яна бир қанча сийловларини қўшимча қилиш мумкин.

Илм аҳлининг, олимнинг обрўси қайта тикланди, у кундан-кунга ошиб бормоқда. Жайдаричасига айтганда, қизи бор олим хонадонидан совчи қадами узилмаяпти, ўғли борларнинг совчилари борган жойларидан қуруқ қайтмаяпти.

Кўриб турибмизки, Президент Шавкат Мирзиёев учинчи Ренессанс қалъасининг пойдеворини изчиллик билан барпо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 30 июнь — Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда кўзлари чақнаб турган йигит-қизларга қарата “Бугун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида катта қадамлар қўймоқдамиз”, дегани фикримиз исботидир.

Президентимиз ишонганидек, қалъанинг биринчи таянч устуни — боғча тарбиячиси жажжи болажонларнинг тилини чиқариб, ақлини пешласин, иккинчи устуни — мактаб муаллими яхши ўқитсин, учинчи устуни — профессор ёки доцент талабаларни замонавий билимлар билан қуроллантирсин, тўртинчи устуни — олимлар “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунларда белгилаб қўйилган тартибларга амал қилиб, имтиёзлардан фойдаланиб ҳамда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда жаҳон тан оладиган тадқиқотларни бажарсин, бешинчи устуни — ота-оналар оилаларда болажонларни, ўқувчиларни, талабаларни билимсевар, ватансевар қилиб тарбияласин.



**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,**
**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.**



# ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИГА ПУЛ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

*Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган спортчиларимиз давлатимиз раҳбари томонидан пул мукофотлари, тураржой ҳамда машиналар, шунингдек, яна бир гуруҳ атлет ва мураббийларимиз орден ва медаллар билан тақдирланди.*

## Рағбат

Мазкур ҳолат кўпчилик юртдошларимизни қувонтирган бўлса-да, ижтимоий тармоқларда фан олимпиадалари ғолиблари нега бу даражада рағбатлантирилмайди, деган мазмундаги эътирозлар ҳам пайдо бўлди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фан олимпиадалари ғолибларини рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилган. Шу асосда халқаро миқёсда тан олинган фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг устозлари пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириб келинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан нуфузли халқаро олимпиадаларнинг ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини тақдирлаш маросими ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Беҳзод Мусаев жорий йил халқаро фан олимпиадаларида олтин медаль соҳиби бўлган ҳар бир ўқувчи базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 500, ўқитувчилари эса 450, кумуш медаль соҳиблари 300, ўқитувчилари 250, бронза медаль олганлар 200, ўқитувлари эса 150 баравари миқдорида пул мукофотлари билан рағбатлантирилишини маълум қилди. Шу тариқа жорий йил фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритганларга 122,5, кумуш медаллар соҳибларига 73,5, учинчи ўринни олганларга эса 49 миллион сўм миқдорида пул мукофотлари топширилди. Тадбирда уларнинг устозлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Жорий йилда дунёда тан олинган математика (IMO), физика (IphO), кимё (IChO), биология (IBO), информатика (IOI) бўйича халқаро нуфузли фан олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларимиз жами 10 та — 3 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди. 2020 йилдагига таққослаганда медаллар сони 4 тага кўпайганини, натижалар йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини кўриш мумкин.

— Халқаро фан олимпиадаларида рақобат, талаблар жуда кучли, яхши натижа учун йиллар давомида тайёргарлик кўриш керак, — дейди Японияда ўтказилган 53-халқаро кимё олимпиадасининг олтин медаль соҳиби, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Собиржон Аманов. — Олимпиадада асосий рақобатчиларимиз АҚШ, Хитой, Россия, Сингапур, Вьетнам каби давлатларнинг вакиллари бўлди. Бу каби олимпиадаларда уч маротаба қатнашганман ва бронза ҳамда кумуш медалларини олиш насиб қилган. Келажакда биокимё соҳасига оид актив моддалар синтези йўналишида илмий ишлар олиб бормоқчиман.

— Республика фан олимпиадаларида кўп бора иштирок этганман, — дейди Португалияда ўтказилган 32-халқаро биология олимпиадаси ғолиби, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Азиза Абдувалиева. — Академик лицейга киргач устозларим билан биргаликда халқаро фан беллашувларига тайёрланишни бошладик. Меҳнатларимиз бесамар кетмади, халқаро олимпиада ғолиби бўлдим. Бундай нуфузли беллашувда биринчи қатнашганим боис қаттиқ ҳаяжонландим. Келгусида АҚШнинг Гарвард университетига ўқишга кириб, унда таҳсил олган биринчи ўзбекистонлик бакалавр қиз бўлмоқчиман. Мақсадим моҳир нейрожарроҳ сифатида Ўзбекистонда шу соҳа ривожига ўз ҳиссамни қўшиш.

— Ўзим ҳам ёшлигимдан фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, республика босқичи ғолиби бўлганман, — дейди Азизанинг онаси Наргиза Болбекова. — Беш нафар фарзандим бор, барчасининг илмга иштиёқи баланд. Катта ўғлим Италияда тиббиёт йўналишида, яна бир қизим Тошкент тиббиёт академиясида грант асосида таълим олмоқда. Азиза учинчи фарзандим. Яна бир фарзандим ментал арифметика бўйича Марказий Осиё чемпиони. Илмли фарзанд тарбиялаш учун ота-онанинг ўзи маърифатли бўлиши, болага тўғри йўналиш бера олиши керак. Қизимнинг бугунги ютуғи сабабли элда, маҳаллада, ишда барча менга ҳавас билан қарамоқда. Бу бахтни таърифлашга сўз ожиз.

Ўқувчиларнинг бу каби ютуқларида, шубҳасиз, устозларнинг меҳнати улкан.

— Йигирма бир йилдан бери ўқитувчилик қиламан, — дейди 32-халқаро биология олимпиадасининг кумуш медаль соҳиби, Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган кимё-биология мактаби ўқувчиси Ёрқинбек Турдибоевнинг устози Зебо Рўзиқулова. — Олимпиадага тайёрлаган ўқувчим ютуғи шарафига мен ҳам БҲМнинг 150 баравари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирландим. Шу вақтгача ўқувчиларимиз республика, халқаро фан мусобақаларида ғолиб бўлганда фақат фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганмиз. Ҳозир ҳаммаси ўзгарди, бундан бениҳоят мамнунмиз. Халқаро олимпиадага ўқувчи тайёрлаш ОТМга абитуриент тайёрлашдан анча мураккаб, бунинг учун йиллар давомида меҳнат қиламиз.

Ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг 8 нафари ҳозирданоқ ОТМ талабаси бўлиш бахтига эришган. Қолган икки нафар ғолиб келгуси йили мактаб ва лицейни тамомлагач, талаба бўлиш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

Тадбирда минтақавий халқаро олимпиадаларда муносиб иштирок этган 31 нафар ўқувчига пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

**Инобат АҲАТОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6